

Танишим кредитни тўламаяпти... Кафил бўлганим учун мен тўлайманми?



2-бет

Ўзбекистон қонунчилигида 1 июндан нималар ўзгарди?



3 бет

Қароқчи қиз қўлга тушди



4-бет

“Оҳангарондон” АЖнинг 1 миллиард сўм қарзи ундирилди



5-бет



ИНСОН ВА ҚОНУН

2 июнь 2020 йил / № 17 (1221)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Адлия вазири Русланбек Даевлов тизимда узоқ йиллар фидойилик билан меҳнат қилгани учун шоғирдлар ва ҳамкасблар номидан Эътиборхон аяга миннатдорлик билдирди.



ВАЗИР

ЭЪТИБОРХОН АЯНИ ИЗЛАБ БОРДИ

8-бет

БОЛАМ, УЙҒОН!

*Болам, уйғон! Остонга қара,
Остон Сенинг қўзинг каби кенг.
Болам, Сендай тоза, боқира
Остон Сенинг бешинг билан тенг.*

*Болам, уйғон! Остонга қара
Ул қўзингга синдиловчи шарт.
Оқартоқда улкан бир яра —
Тов кўтарган остон каби дарғ!*

*Боққил, кўкка! Зилоллик тўлди —
Бизнинг борур айдымиз ўша!
Менинг қўлим қалталик қилди
Сен Остонни қўчоқлаб яша!*

Кўчқор НОРҚОБИЛ

“Инсон ва қонун”га масъул игорадан жавоб келди

ТАХРИРИЯТИМИЗГА тахиятошлик Абды Ягмыров турмуш ўртоғи Тахиятош туманидаги 15-сонли умумтаълим мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашни, ҳозирда мактаб директори 8 соатлик дарсни янги келган ходимга олиб берганлиги юзасидан шикоят қилди.

Тахририят аралашуви билан мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилик томонидан ўрганиб чиқилди. Бу ҳақда тахририятга:

Шикоят хати натижаси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири А.Аяпов маълум қилди:

“...Г.Амановага мактаб раҳбарияти томонидан дарс соатлари ўзига қайтариб берилди...”

БУЁҒИ МАСЪУЛЛАРГА ҲАВОЛА!

МЕН Хоразм вилоятида яшайман. Оилавий келишмовчилик сабабли 10 йилдан буён турмуш ўртоғим билан бирга яшамаймиз. 4 нафар фарзандим бор. Қизим 1-гуруҳ ногирони. Катта қизимнинг ҳам соғлиғи яхши эмас.

Уй-жой масаласида қийналиб қолганимиз сабабли Хива туман ҳокимиятига мурожаат қилган эдим. Ҳокимият томонидан “Гиламчи” маҳалласидан 1 хонали уй беришди. Бу уйда 4 та болам билан жуда қийналиб яшайтимиз. Икки ўғлим вояга етган ва қизим ногиронлигини ҳисобга олиб, кам таъминлаган ва боқувчиси йўқ оила сифатида ҳокимият томонидан 2 ёки 3 хонали уй ажратилишида ёрдам беринг. Агарда ҳокимлик томонидан комиссия тайинланса, мутасаддилар уйимизга келинса, хонадонимиз бизга торлик қилаётганини кўрсатар ва шароитимиз оғир эканлигининг гувоҳи бўлишарди...

Садоқат РАҲИМОВА,
Хоразм вилояти, Хива шаҳри, “Гиламчи” маҳалласи

Эрмухаммад аканинг умр дарахти илдизлари ҳуқуқ олами, қонун дунёси булоқларидан суви чади. Ака — юрист. Ризку аъмолига шу йўлдан туз-насиба топиш битилган экан. 40 йилдан бери ака қонун аҳли орасида.

Эрмухаммад устоз! ЁХУД ОДАМИЙЛИК ЧЎҚҚИСИ

8-бет



www.hudud24.uz

t.me/hudud24official

facebook.com/hudud24official



Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни "Мадад" ННТ-нинг www.advice.uz сайтидан олишингиз ёки саволларингизни телеграмдаги @Madadnnt_botга йўллашингиз мумкин.

Нафақа олишда кимлар устунлик ҳуқуқига эга?

— **БОЛАЛИ** оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда кимлар устунлик ҳуқуқига эга?



— Ота-онасидан иккисини ҳам йўқотган, бола тарбияси билан эса қариндошлари шугулланётган оилалар; ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар; 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар; болани тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар); ота-онадан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида Бандликка қўмаклашиш марказида ҳисобда турган оилаларга ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Саволга Мадад ННТнинг Мўйноқ туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нурья БЕРДИНИЯЗОВА жавоб берди.



Вафот этган фарзандга алимент тўлаш қонунда борми?

— **ТУРМУШ** ўртоғим билан никоҳимиз бекор бўлган. Фарзандимга алимент тўлаб келганман, фарзандимиз вафот қилди, лекин турмуш ўртоғим мендан алимент талаб қилапти, шу тўғрими?

— Оила кодексининг 147-моддасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув мuddатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугатилиши белгиланган.

Суд тартибда ундирилаётган алимент тўлаш:

- бола вояга етганда ёки вояга етмасдан туриб тўла муомала лаёқатига эга бўлганда;
- фойдасига алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда;
- суд алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланган ёки уни ёрдамга муҳтож бўлмай қолган деб топганда;
- меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож алимент олувчи собиқ эр ёки хотин янги никоҳга кирганда;
- алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда тугатилади.

Саволга Мадад ННТнинг Урганч туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Алишер ЯДГАРОВ жавоб берди.

Даволанишимга 4 ой керак экан, иш жойим сақланадими?

— **ЁШИМ** 56 да. Нафақага чиққан бўлсам-да, махсус мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишляпман. Яқинда шифокорлар менга коксартроз ташхиси қўйишди. Даволанишим 3 ёки 4 ой давом этишини айтишди. Мен даволансам, иш жойим сақланиб қоладими?

— Ходимнинг соғлиги тўғрисидаги хизмат вазифасини бажара олмаслиги вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, деб баҳоланади. Бундай ҳолатда ходим Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жорий этилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва тиббий маълумотнома асосида даволанишга юборилади. Ушбу варақани тақдим этганингизда нафақат иш ўрни, балки иш ҳақи ҳам сақланиши керак.

Ишга киришимда муаммо бўлмайдими?

— **БОЛАЛИКДАН** II гуруҳ ногирониман. Ҳозирда олий ўқув юрти талабасиман. Агар мен тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг қарори билан умрбод ногиронликка ўтказилсам эртага ишга киришимда муаммо бўлмайдими?



— Ногиронлиги бўлган шахсларга меҳнат соҳасида бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Иш берувчи минимал иш жойларига ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишлари шарт. ТМЭК нинг ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи томонидан мажбурий аҳамият касб этади.

Саволларга Мадад ННТнинг Яшнобод туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Ўрал МУҲАММАДИЕВ жавоб берди.

Танишим кредитини тўламаяпти... Кафил бўлганим учун мен тўлайманми?



— **ТАНИШИМ** банкдан кредит олаётганда мен унга кафил бўлган эдим. Ҳозирда у банкдан олган кредитини тўламагани учун, банк кредит тўлашни мендан талаб қилапти. Бу қанчалик қонуний?

— Фуқаролик кодексининг 293-моддасига асосан, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаса, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб бериши назарда тутилган. Сизнинг ҳолатингизда, банк Сиздан тўловни талаб қилиши қонуний.

Саволга Мадад ННТнинг Чуст тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Шавкатжон ФОЗИЛОВ жавоб берди.

"Ҳайфсан" қанчада олиб ташланиши керак?

— **ИШХОНАМДАН** "ҳайфсан" интизомий жазо олганимга олти ой бўлди, лекин мендан ушбу интизомий жазо ҳозиргача олинмаган. "Ҳайфсан" интизомий жазо қанча мuddатда олиниши керак?

— Меҳнат кодексининг 183-моддасига асосан интизомий жазонинг амал қилиш мuddати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу мuddат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган, деб ҳисобланади. Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра, жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Саволга Мадад ННТнинг Навбаҳор туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Бунёд ХОЛМУРОДОВ жавоб берди.

Маҳалла яшаш жойи тўғрисида маълумотнома бермаяптими?

— **МАҲАЛЛАГА** яшаш жойидан маълумотнома олгани борганимда маҳалла раиси маҳалла томонидан берилмаган ушбу турдаги маълумотнома берилиши бекор бўлган деяпти, шу тўғрими? Ҳуқуқий асоси борми?

— Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги қарори асосан яшаш жойидан маълумотнома 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан талаб қилиниши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Демак, ушбу қарорга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан яшаш жойидан маълумотнома берилмайди. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ушбу маълумотнома талаб қилинмайди.

Саволга Мадад ННТнинг Навбаҳор туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Бунёд ХОЛМУРОДОВ жавоб берди.



ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА 1 ИЮНДАН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Айрим тадбиркорлар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан вақтинча озод қилинди

2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябргача куйидагилар мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинади:



кичик тадбиркорлик субъектлари



бозорлар ва савдо комплекслари



кинотеатрлар



умумий овқатланиш жойлари



спорт-соғломлаштириш муассасалари



жамоат транспорти корхоналари



йўловчи ташиш, маиший хизмат кўрсатиш, бинолар

шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Ваколатли органлар тадбиркорларга лицензия олиш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беради

Тадбиркорларга лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг — санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.



Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорларга малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Нафақа олувчилар сони оширилади



“Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони қўшимча 10 фоизга оширилади.

Қуролдан фойдаланиш тартибида ўзгариш бўлади



“Ўзбекистон Республикаси Давлат ўқ-гильзотекаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Хукумат Қарорининг фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролини назорат тартибида отиш қисми кучга киради.

Фитобарлар ташкил этилади



Президентнинг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида, шунингдек, босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда фитобарлар ташкил этилади.

Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун кредитлар ажратилади



Фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг 40 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз, 50 фоизгача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Президентнинг “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан белгиланган тартиб бўйича мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

Юридик шахслар биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказилади

“Товар хомашё биржалари фаолиятига илгор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан куйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

товар сегментлари бўйича биржа савдоларини маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ва биржа аъзоларига фойдаланиш ҳуқуқини берган ҳолда алоҳида секцияларда ўтказиш; маҳсулотни секция тамойили бўйича сотишни таъминлаш ва брокерлик ўринларини биржанинг расмий веб-сайти орқали тақдим этиш бўйича шаффоф механизмни инobatга олган ҳолда, юридик шахсларни биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказиш;

биржа савдоси қоидалари талабларига мувофиқлиги бўйича фаолият кўрсатувчи биржа аъзоларининг малака даражасини ҳар 3 йилда мунтазам аниқлаш.

Металл прокатининг ҳар бир тўпига сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилинади

Сотилаётган ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган металл прокатининг ҳар бир тўпига ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) томонидан сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилиниши керак.

Сифат тўғрисидаги ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик юзасидан синовларнинг ижобий натижалари асосида расмийлаштирилади.

Бунда, ишлаб чиқарувчиларда тегишли ишлаб чиқариш лабораторияси бўлмаса, металл прокатини бошқа синов лабораторияларида синовдан ўтказишга йўл қўйилади.

Маҳаллий экспорт қилувчилар транспорт харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланади

Маҳаллий экспорт қилувчиларга юрларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилади. Бу тартиб Президентнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган.



Қатор тамаки маҳсулотларига акциз солиғи киритилади

Импорт қилинадиган қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган (снос), чилим учун тамаки, никотинли тамакисиз снос, таркибда никотин мавжуд суюқликларга акциз солиғи киритилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари қўшимча позициялар билан тўлдирилади. Унга кўра, қатор тамаки маҳсулотларининг акциз солиғи ставкалари миқдорлари белгиланди. “Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори билан 2020 йил 1 июндан чекиладиган тамакининг 1 килограмми учун 25 АҚШ доллари миқдорда акциз солиғи солинади.

ХАЛҚИМИЗДА “Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади”, деган нақл бор. Албатта, айни нақл жуда топиб айтилган. Кундалик ҳаётимизда бунга кўп бора гувоҳ бўлганмиз.

ҚАЛБАКИ ПУЛ

ЎЗ “СОҲИБИ”НИ ИККИ КУНДА ФОШ ҚИЛДИ

Фаргона шаҳрида яшовчи Ғайратжон Қаҳҳоров (исм-шарифлар ўзгартирилган) нинг ноқонуний қилмиши икки кунда фош бўлди. 22 ёшли бу йигит жиноятга қўл урди. Яъни, унда зиммасидаги қарзларидан қўтилиш мақсадида қалбаки пул ишлаб чиқариш фикри пайдо бўлди. Шу мақсадда шаҳарнинг Шифоқорлар кўчасидаги ўзи истиқомат қилаётган уйнинг бўш турган хонадонларидан бирини ижарага олиб, 2019 йил 5 октябрь куни ўша ерга компьютер ва принтерни келтирди. Сўнгра ўзининг 3 дона 50.000 сўмлик пуллари қозғога нусхаларини кўпайтирган ҳолда чиқарди. Пул шаклига келтиргач эса “ишга” киришди.

Аввалига — 2019 йил 6 октябрь куни Ғайратжон Фаргона шаҳар Қувасой кўчасида жойлашган озиқ-овқат савдо дўконидан 1 дона “Dinay” номли салқин ичимликни 8.000 сўмга сотиб олди. Эвазига сотувчи Ж.Мамасидиқовага қалбаки 50.000 сўмлик пулни тақдим этиб, 42.000 сўм қайтимини олиб кетди. Қараса, бошланиши ёмон эмас. Шундан сўнг йигитнинг “уддабурон”лиги эртаси куни ҳам давом этди. У ўртоғи Нуриддин Зарипов билан бирга шаҳарнинг А.Навой кўчасида турган пайтада кўнгирак қилиб, такси чақирди. Зум ўтмай шаҳардаги “Статус” номли такси фирмаси ҳайдовчиси У.Назаралиев буюртмага асосан етиб келди.

— Қанча бўлди?, — сўрашди икковлон манзилга етиб боришгач.

— Тўққиз минг сўм, — деди ҳайдовчи. Шунга кўра, Нуриддин битта 100.000 сўмлик пул узатди унга. Бироқ У.Назаралиев бу пулга майдаси, қайтими йўқлигини маълум қилди. Бу гап эса Ф.Қаҳҳоровга жуда кўл келди. Яъни, у ҳайдовчига қалбаки пулларида бирини бериб, илгаригидек қайтимига ҳақиқий пул олди. Лекин орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳайдовчи унга кўнгирак қилди.

— Пулингиз “подделка” экан, қаердасиз?

— Бўлиши мумкин эмас, — деди Ғайратжон сир бой бермай.

— Ишонмасангиз, ҳозир тушган жойингизга қайтиб келинг, ўзингизга кўрсатаман.

У.Назаралиев шундай, деб йигитларни туширган ерга қайтиб борди. Аммо бу пайтада Ф.Қаҳҳоровнинг уяли телефони аллақачон ўчирилганди. Шу боис кута-кута тоқати тоқ бўлган ҳайдовчи Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фаргона шаҳар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Оқибатда, “қаҳрамон”имиз тез фарсада қўлга тушди. У.Назаралиев тақдим этган АА 7866664 серияли, дўкон сотувчиси Ж.Мамасидиқовадан бўлса АО 4664401 серияли, шунингдек, ижарага олинган хонадондан 43 дона 50.000 сўмлик жами 2.150.000 сўм қалбаки пуллари далилий ашё тариқасида олинди. Жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди эса айбдорни қонуний жазога маҳкум этди. Энг ачинарлиси, Ғайратнинг маҳалла-қўй, қариндош-уруғ ва яқинлар ўртасида ота-онасининг юзини ерга қаратиб йигитлик шаънига доғ туширгани қолди, холос.

Феруза СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича
Фаргона шаҳар суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЖИНОЯТ ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ суд мажлисида Навоий шаҳрида туғилган, айни бегубор ёшдаги қиз — Зарифа Нодирова (исм-шарифлар ўзгартирилган) нинг жиноят иши кўриб чиқилди.


Биринчи марта қилган жинояти учун вояга етмаганлигини, инобатга олиб, энгиллик берилганлиги, инсонпарварлик қилинганлигини назар-писанд қилмаган қизча орадан олти ой ўтар-ўтмас яна жиноят кўчасига кирди.

Суд мажлисида у айбига тўлиқ иқрор бўлиб, “Умид” кўргонда кичкина қизалоқнинг ўйнаб юрганини кўриб, хаёли бузилгани, қизчани олдиға бориб уни айлангириб келишни айтиб, шу атрофдаги дарахт соясида ўтириб қизчанинг тилла зирагини “кўрсам майлими” деб, қулоғидан ечиб олганлиги, уни гап билан чалғитиб, зиракни чўнтағига солиб, қўлга киритган “ўлжа”сини пуллаш учун шаҳардаги 10-кичик туман ҳудудида жойлашган бозорга ююргани, у ердаги заргарга тилла зирак ўзига тегшли эканлиги, пул зарур бўлганлиги учун сотаётганлигини айтиб, 250 минг сўмлик зиракни бор-йўғи 30 минг сўмга сотиб юборганлиги, жабранувчига етказилган зарарини тез кунда қоллаб беришини, содир этган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймон эканини билдирди. Бу жиноят кўчасига кирган қизнинг биринчи қасами эмаслигини назарда тутадиган бўлсак, унга ишониш-ишонмаслик жиждий тасала.

Судда фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган С.Олимов 2006 йилдан бун Навоий шаҳар, 10-кичик туман ҳудудида жойлашган бозорда заргарлик фаолияти билан шуғулланиб келишини баён қилган. Савол туғилади, заргар зиракни 30.000 сўмга сотиб олаётганда, қизнинг ўзини тутиши, қиммат тилла тақинчқочни нега 8 баробар арзонга сотаётганлигини англамадимикан? ИИБ

ҚАРОҚЧИ ҚИЗ

қўлга тушди



Ҳукм қатъий. Чунки ҳали йигирма ёшга кириб улгурмаган қиз суднинг қора курсисига аллақачон икки марта ўтиришга улгурган.

ҳодимлари келиб ўзини Зарифа, деб таништирган қиздан сотиб олган зиракларни ўғирлик эканлигини айтиб, ҳолислар иштирокида зирак эритмасини расмийлаштириб олганида эса сал хушёр тортиб, унга ишониб хато қилганини сездди.

Суд судланувчи З.Нодированинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканини жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар, деб ҳисобласа-да, илгари ҳам қасддан ҳудди шундай жиноят содир этган шахснинг ёш болага нисбатан яна янги жиноят содир этганлиги жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни лозим топди.

Суд ҳукмида, шунингдек, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида З.Нодировага ўталмаган 647.750 сўм жарима жазосини нисбатан жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2017 йил 17 ноябрдаги ҳукми билан тайинлан-

ган жазога қўшиб тайинлашни, Жиноят кодексининг 61-моддаси тартибида тайинланган жарима жазоси алоҳида ижро этилиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар учун судланувчи З.Нодировадан жабранувчининг қонуний вакили фойдасига 250.000 сўм ундириш ҳам белгиланди.

Жиноятга жазо муқаррар бўлди. Жиноят йўлига қайта-қайта кирган, бировнинг мулкига қўз олайтирган “қароқчи” қиз эртага ҳаётнинг турли синовларидан ўта олармикан? Буни билмадикан...

Шерзод МАМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди раиси,
Маруза ХОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

СУРХОНДАРЁЛИК Феруза Бойчаева (исм-шарифлар ўзгартирилган) пул зарур бўлганлиги сабабли ўзининг қишлоғида меҳнат қилишга “уялиб”, иш қидириб, Жиззах шаҳрига келади. Жиззахда фуқаро З.Тўраева билан танишиб қолиб, унинг уйида ижарада яшаб туришга келишадди. Жиззахлик Нормат Намов эса “Lacetti” русумли ўз автомашинасида шаҳар ҳудудида қирақашлик қилиб юрган вақтида Ф.Бойчаева билан танишади.

Ф.Бойчаева Н.Наимовга оилавий шароити оғирлиги сабаб бу шаҳарга Сурхондарё вилоятидан иш излаб келганлигини, унга иш топишда ёрдам беришини илтимос қилади. Н.Наимов сурхонлик меҳмонга йўқ, дея олмай, кун бўйи икковлон унга иш қидиришади. Кечки пайт чойхонада бирга овқатланишгач, Ферузани ижара уйига ташлаб қўяди. Шундан сўнг Н.Наимов Феруза билан ўзаро ишқий муносабатларга киришиб, бутун қиш фаслини кайф-сафода ўтказадилар. “Шароити оғир” сурхонлик жувон оиласини, ёш фарзандини унутиб, бир кун ҳам ишламасдан Жиззахлик жазмани билан баҳоргача шу зайлда яшаб юрди.

Билмайин тиконни босган Н.Наимовнинг Ф.Бойчаева жонига тегдими ёки “эси” қириб қолдими, энди уни бошқа

ШАРМУ ҲАЁ-Ю ИБОЛАР Сизга бегонами?

моддий таъминлай олмаслигини, ўз оиласида ҳам муаммолар кўпайиб кетганлигини айтиб, бошқа кўришмасликка қарор қилганини сўзлаганида “севгилиси”нинг асл башарасини кўрди. Ф.Бойчаева агар Н.Наимов уни ташлаб кетса, маҳалласига ва уйига кўчада қолмаганман, мени шунчаки ахлоқ қилиб ташлаб кетолмайсан, маҳалланга бориб қўни-қўшининг, қариндош-уруғларининг олдида шарманда қилишини, унинг хотинбозлигини бутун оламга ёйишини айтади.

Шу тариқа Н.Наимов Ф.Бойчаеванинг гапларидан кўрққанидан у билан яна 4 ой “дон олишиб” юрди. Июль ойининг охирида Н.Наимов Ф.Бойчаевага оиласи ва фарзандлари борлигини, оиласи бузилиб, фарзандлари етим бўлиб қолишини хоҳламаслигини, тинч йўл билан алоқани узишини айтганида Ф.Бойчаева “мен кўчада қолмаганман, мени шунчаки ахлоқ қилиб ташлаб кетолмайсан, маҳалланга бориб қўни-қўшининг, қариндош-уруғларининг олдида шарманда шармисор қиламан”, деб яна пўлса қилади. Шунда Н.Наимов ундан тинч йўл билан ажралиб кетиши учун нима қилиши кераклигини сўрайди. Ф.Бойчаева ҳам шу саволни кўпдан бери қутиб

юрган шекилли, ҳозиржавоблик билан агар бир миллион сўм пул берса уни тинч қўйиши мумкинлигини айтади. Н.Наимов унга бир миллион сўм пул бера олмаслигини айтганида, Ф.Бойчаева Н.Наимовнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини “залол” сифатида олиб қолиб, пулни олиб келганида ҳужжатини қайтариб беришини таъкидлайди.

Бир ҳафта юриб ҳам айтилган пулни топа олмаган Н.Наимов ноилож вилоят ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Жиззах вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир давомида Ф.Бойчаева товламачилик жиноятини содир қилган пайтада қўлга олинди. Диктофондаги ўзаро сўхбатлар, махсус ишлов берилган пул боғлами, воқеа жойида олинган фотосуратлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари Ф.Бойчаеванинг тергов давомида жиноятни содир қилганликда айбланиш учун етарли асослар, деб ҳисобланди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди Ф.Бой-



чаевани Жиноят кодексининг 165-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топиб, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жабранувчининг даъвоси йўқлигини жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар, деб ҳисоблаб, судланувчига қўшимча тақиқлар ўрнатиб, тунги вақтда, яъни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача яшаш жойидан чиқишини чеклаш шарти билан бир йилу олти ой муддатга озодлики чеклаш жазоси тайинлади.

Шухрат СУЯРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

У 2006 йилда навбатчи чилангар, кейинчалик 4-разрядли, 2011 йилдан марказий таъмирлаш устахонасининг очиқ усулда маъдан қазиб бўйича темирчилик ишлаб чиқариш бўлини масида 6-разрядли чилангар сифатида ишлаб келаяпти.

Имтиёзли пенсия ҳал бўлди

ҲАСАН Болтаев бир неча йиллардан буён Шимолий кон бошқармасида зарарли шароитда ишлаб келади.

Ёшга доир пенсияга чиқиш чоғида эса у имтиёздан фойдаланишда муаммога дуч келди. Севимли корхонаси унинг аризасига ушбу иш жойлари ҳақиқатан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тасдиқланган рўйхатларга тегишли эканлиги, лекин ушбу иш жойлари шаҳодат кўригидан (аттестация) ўтказилмаганлиги боис унга тегишли маълумот бера олмаглигини маълум қилган.

Ваҳоланки, Ҳ.Болтаев ишлаган корхоналар ушбу қарор билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи рўйхатда кў-

сатиб қўйилган.

Энг муҳими, Ҳ.Болтаевнинг иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжати — меҳнат дафтарчасида барча керакли маълумотлар аниқ кўрсатилган.

Аслини олганда карталарда саналар кўрсатилмаганлиги учун чилангар Ҳ.Болтаев айбдор эмас, иш ўринлари шаҳодат кўригидан ўтказилмаганлиги эса иш берувчининг айби.

Мулкчилик шаклидан ва қайси идорага қарашлигидан қатъи назар, корхоналарда имтиёзли пенсия таъминоти бўйича рўйхатларнинг тўғри қўлланиши устидан назоратни Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалга ошириши аниқ белгилаб қўйилган бўлишига қарамадан, иш берувчи ва назорат қилувчи ор-



ганлар томонидан қонунчилик талабларига ўз вақтида риоя қилинмаган.

Учқудуқ туман адлия бўлими фуқаро Ҳ.Болтаевнинг 2008-2010 йилларда Шимолий кон бошқармасига қарашли Автотранспорт бошқармаси ҳамда очиқ ҳолда қазиб олиш ишларида ўта зарарли ва ўта хавfli ишларда меҳнат фаолиятини амалга оширганлиги фактини белгилаб берди.

Йигитали ЭРМАМатов,
Учқудуқ туман адлия бўлими бошлиғи

ЧУСТ туман адлия бўлими томонидан тумандаги таълим муассасаларида ходимлар ўртасида сўровнома, меҳнат ҳуқуқига риоя этилиши юзасидан ўтказилган суҳбатлар давомида 2019 йилнинг 5 февраль кун Чуст тумани, Тепакўрган МФЙда яшовчи фуқаро М.Сафаева бўлим ходимларига мурожаат қилди. Маълум бўлишича, у тумандаги 16-сон умумтаълим мактабида фаррош бўлиб ишлаган. 2018 йилнинг ноябрь ойида бетоб бўлиб қолган даврида мактаб директори унинг ўрнига декабрь ойида бошқа шахсни ишга олган. Фаррошнинг касаллик варақаси борлиги эса инobatга олинмаган. Аёл оилавий шароити оғир аҳволда эканлигини, соғайганидан сўнг январь ойидан бери ишга тиклана олмаётганини айтиб, ёрдам беришни сўради. Мурожаат белгиланган тартибда ўрганиб чиқилиб, мактаб директорининг фуқаро М.Сафаевани мактабга ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилди.

Чустдаги мактабда фаррошнинг ўрни сотилди

Шунингдек, Чортоқ туман, Байналминал МФЙда яшовчи фуқаро Ҳ.Ҳакимов Чортоқ тумани Фуқат номли истироҳат боғида жойлашган чойхонаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилган бўлса-да, компенсация пуллари тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб мурожаат қилди.

Чортоқ туман адлия бўлими томонидан 2019 йил 3 апрель кун Чортоқ туман ҳокимлигига нисбатан 96 129 000 сўм миқдордаги компенсация пулини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрган туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, даъво ариза қаноатлантирилди.

Хусниддин ҲАЛИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

“Оҳангарондон” АЖнинг 1 МИЛЛИАРД СЎМ ҚАРЗИ УНДИРИЛДИ

“ОХАНГАРОНДОН” АЖ Ўрта Чирчиқ туман худудидаги “Равшан”, “Жўрабек хожи”, “Солан уз” ва “Минакулова Шахло” фермер хўжаликлари билан ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномаларини тузган. Аммо шартномага асосан юқоридаги фермер хўжаликлари томонидан етиштириб берилган ғалла учун пул маблағлари ўз вақтида тўлаб берилмаган.

Ушбу ҳолат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, “Оҳангарондон” АЖга киритилган тақдимнома асосида тумандаги “Равшан”, “Жўрабек хожи”, “Солан уз” ва “Минакулова Шахло” фермер хўжалиқларининг фойдасига ғалла маҳсулотлари учун ҳамият томонидан ўз вақтида тўланмаган 1 миллиард 354 миллион 422 минг сўм миқдоридаги пул маблағлари тўлаб берилди.

Ж.АЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ туман адлия бўлими бошлиғи

ПАНДЕМИЯНИНГ салбий оқибатлари барча соҳаларда яққол кўриниб қолди. Карантинни ҳисобга олиб фуқароларга турли имтиёзлар берилди. Аммо бу имтиёзлардан хабардор бўла туриб, айрим соҳаларда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аянчли. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари мониторинг асосида ўрганилганда, бир қатор қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Пандемия баҳона-ю,

МАНФААТ ҒАНИМАТ...МИ?

Айрим маҳаллаларда нафақа тўлаш муддати тугаган кам таъминланган оилаларга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан уларнинг нафақа пуллари тўлашни давом эттиришда қонунбузилишига йўл қўйилган.

“Авазали” маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи фуқаро Д.Джულიеваниннг моддий ёрдам нафақаси муддати 2020 йил март ойида тугаган бўлса-да, маҳалланиннг мансабдор шахслари томонидан унинг нафақасини 6 ой муддатга танаффуссиз давом эттириш чораси кўрилмаган ва унга жорий йил апрель ойида 376 минг сўм нафақа пули тўланмаган.

Худди шундай, “Авазали” маҳалласида 9 нафар фуқарога, “Истиқлол” маҳалласида 3 нафар фуқарога, “Мустақиллик” маҳалласида 1 нафар фуқарога нисбатан қонунбузилишга йўл қўйилиши оқибатида уларга 2020 йил апрель ойи учун жами 4 миллион 100 минг сўмлик нафақа пуллари тўланмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман молия бўлимига тақдимнома киритилиб, адлия бўлимининг аралашуви билан юқорида номлари кўрсатилган фуқароларга 2020 йил март-апрель ойлари учун жами 8 миллион 200 минг сўмлик нафақа пуллари Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилди.

Бундан ташқари, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига зид равишда биринчи маротаба нафақа тайинланган фуқароларга асоссиз равишда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан нафақа тўлашга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, “Авазали”, “Мустақиллик”, “Учтепа”, “Истиқлол”, “Янгиқўрган” МФЙларида 12 нафар фуқарога жами 10 миллион 456 минг сўм нафақа пуллари Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан нотўғри тўлаб берилган.

Туман адлия бўлимининг аралашуви билан ушбу пул маблағлари мазкур жамғармага қайтариб тўланиши таъминланди ва юқорида номлари кўрсатилган МФЙ раислари, масъул котиблари ва маҳаллаларга бириктирилган туман Бандликка кўмаклашиш маркази ходимларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси билан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, суд қарорига асосан улар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, қолган маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан юқоридаги қарор ижросини таъминлашда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун 35 та оғоҳнома ҳам киритилди.

Элбек ДАВРОНОВ,
Оқдарё туман адлия бўлими бошлиғи

МАЪНАВИЯТ “ДУЭЛ”ГА БАРДОШ БЕРА ОЛАДИМИ?

МАЪНАВИЯТ ва маърифат... бир-бирига яқин ва эгизак тафаккур. Инсон камолоти учун суёдек ва ҳаводек зарур бўлган бу икки тушунча ҳақида жуда кўп гапирилаяпти. Ҳатто, кейинги йилларда ҳафтанинг бир кунини “Маънавият соати”нинг сабақлари катта-кичик идораларининг барчасида ўтказилаётганлигини ҳам яхши биламиз. Афсуски, кўп гапнинг самараси ҳам кўп бўлди, деб мақтана олмаيمиз.

Шу ўринда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг бир ҳикматларини эслаш ўринли: “...Агар кўп гапириб фойдали бўлганида эди, икки оғзинг ва бир қулоғинг бўлган бўларди...”. Демак асарларнинг оддий ҳақиқати ўзгармайди — бугун ҳам кўп ваъзхонлик эмас, эзгу амаллар керак!

Барчамизни ўйлантирадиган сабақлар бор. Бугунги пандемия шароитида мактаблардаги онлайн машғулотлар йўлга қўйилгани анча илгорлигимиздан далолат берган бўлса, онлайн дарслар чоғида айрим саводсизлик “намуналари”га ҳам дуч келганимиз эса, бирмунча

хилолатли. Масалан, оддийгина бир мисол, умумий ўрта таълим мактабининг 2-синф ўқувчисига ўзбек тили ўқитувчисининг берган саволларини қаранг: “Опоққандин” шеърининг муаллифи ким?”. Ўқувчи тест жавобини белгилашга керак. 1. Муҳиддин Омон, 2. Хумоюн, 3. Пулат Мўмин, 4. Эркин Воҳидов. Бу саволга тахминан белгилаган жавоби билан ўқувчи ўзбек тилидан қандай билимга эга бўлади? Ундан кўра, ўқувчини шеърнинг матнидан ва муаллифидан хабардор қилиб, асарнинг мазмунини сураган фойдалироқ эмасмиди? Осонидан озроқ сўраш

билан устозлар ўзларининг “Билимдонликларини”ни кўрсатмоқчиими ёки болаларга, аниқроғи, ўзбек тилига “юксак эътибор”ми бу?

Биз кимларнинг авлоди эканлигимизни унутиб қўймадикиман, деган хавотирларимиз ҳам жуда ўринли...

Давлатимиз раҳбари томонидан китобга меҳр, китобга муҳаббат қудратли тўлиқгина айлансин, деган қарорлар қабул қилинди. Аммо бу қудратли тўлиқнинг тўлиқни юракларни тўлиқ қамраб ололтишти, деган саволларга бугун очкичасига жавоб айтиш керак.

Очкўзлик, молу дунёга ташна-

лик кучайгандан кучайди. Нафс бозори авж олган шу замонда ўнгандан уй, тўрт-бештадан машина олиб қўйган баъзи бойларнинг уйдан битта китоб тополмаслигининг ҳам айна ҳақиқат. Ҳамма нарсанинг баҳоси кундан-кунга ошди. Маънавиятнинг баҳоси эса тушгандан тушиб кетди. Унинг баҳоси қанча туришини билолмай ҳам қолдик. Маънавият “дуэл”га бардош бера оладими?

Шу кетишда толганларимизни осонгина йўқотиб қўйишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Бу борадаги замондошларимиз фикри ҳам эътиборга лойиқ.

МУҲАББАТ ҲАМ — МАЪНАВИЯТ...

Дунёи дунда турли тақдирлар бор. Ёлғиз она деган ёзиқлар бор. Унда фарзандлар меҳр ва маърифат бешигида эмас, алам ва армон эшигида улғайишни аниқ. Чимилдик қурмаган “келинлар” ўз қизларига қайси одобу қайси ахлоқдан дарс бера олардилар, деган саволлар бор.

Маънавият ҳақида фикр юритганда, улғу аждодларимиз ўз даврида компил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламиз. Бу кодекснинг асл мазмуни ва шиори — уят ўлимдан ёмон...

Дарҳақиқат, маънавиятнинг илдизи — ахлоқда. Ахлоқсиз ҳар бир ҳаракат жамиятга катта доғ тушириши аниқ. Маънавий ахлоқ нормаларини бузаётган қизлар кўча-кўйда гарбона ярим-яланғоч либосларда жамоат жойларида юриши етмаганидек, ичишини, чекишни одатда айлантарганига ҳозир ажабланмай қўйдик.

Бу касаликларни яширишнинг жуда хунук оқибатларини эшитиб, қўриб юрибмиз. Бунга мисол келтирмоқчи эмасмиз. Шу боисдан ҳам Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур” деган фикрларни унутмаслигимиз зарур.

Яна бир оддий ҳақиқат бор, аммо уни тан олиш оғир: “Жамиятдаги аёлларнинг ҳаёти жамият эркакларининг номуси билан ўлчанаркан. Аёлдан ҳаё кўтарилдими, демак аввалроқ эркакдан номус кетган”.

Даврининг ўзи қисқа фурсатли бахтлар удумини чўзиш, муҳокама қилиш эмас, балки ундан воз кечиш кераклигини кўрсатди. Чунки ўғирланган келинлар бир болалик бўлгунча мажбуриядан яшаб, кейин ажралиб кетган ҳолатлари кўп эди...

Юраклар номусга, шонга, виждонга

ҚАЛҚОН БЎЛСИН!

Бу мақола кечанинг оғриқлари, бугуннинг гардлари, эртанинг ёруғ хаёллари ҳақида...

ТАБИАТГА ЭЪТИБОР ҲАМ — МАЪНАВИЯТ

Воҳид ПИРМАТОВ,
“Қизилқум сафари” сайёҳлик
фирмаси раҳбари:

— Хизмат юзасидан жуда кўп давлатларда сафарда бўлганман, турли мамлакатлардан келадиган сайёҳлар билан мулоқот қилишга тўғри келган. Германия, Япония, Корея, Хитой каби йирик давлатларнинг маданиятини кўриб ҳайратланганман.

Туристик базамизга ҳар йили Америка, Франция, Корея, Италия, Швеция, Австрия, Хитой, Япония каби ўнлаб давлатлардан минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Улардаги юксак муомала маданиятидан, бепоян кенгликларда кумга сингиб кетиши мумкин бўлган чиқиндини, ҳатто оддий қоғоз парчасини ҳам ерга ташламаслик, бошқалар қолдириб кетган чиқиндиларни ҳам териб, табиатнинг тозаллиги учун қайғуришларига, ўзларини худди ўз уйларини асраганидек ёки эртага яна шу жойга қайтиб келадиган кишидек тутишларига тан бермасдан илҳомланган бўлишимиз зарур. Бу уларнинг маънавияти даражаси, ўзларига ҳурмати баҳоси, албатта.

Ватанпарварлик — маънавият эканлигини исботлайдиган мана бу воқеани Япониядан ўтган йили келган меҳмонлардан эшитиб, тўғриси лоҳ қолганман. Япониянинг “Фукусима-1” атом электр станциясидаги фожиадан барчамиз хабардормиз. 2011 йилдаги зилзила натижасида содир бўлган бу катта фожа оқибатида АЭС ташқи электр таъминотидан узилиб қолган, тўлқин дизель генераторларини сувга ботиради. Одамларнинг ҳаёти катта ҳавф остида қолган ўшандай вақтда радиоактив зарарланишни тўхтатиш учун радиация тешигини сув остига қилиб, қўлда ёпиш зарур бўлиб турганда ҳаётидан кечиб юздан ортиқ одамлар биз юртимиз ва халқимиз ҳаётини сақлаб қолиш

учун ажалнинг оғзини ёпишга тайёрмиз, деб югуриб келган ва ўлимга кетаётганлигини билиб туриб, шу операцияни амалга оширган экан.

Японияликларнинг яна бир ватанпарварлигини эшитиб қойил қолганман. Ҳалокат кунларидан сўнг яқин атрофдаги шаҳарлар радиоактив зарарланди. Бу эса минглаб одамлар шаҳардаги уйларини очкич-соқик ташлаб ҳавфсиз жойларга бош олиб кетишига сабаб бўлди. Аҳоли уйларини қаровсиз қолдирган шаҳарларда неча ойлар ўтса ҳамки, бирорта ўғирлик содир этилмагани ҳақида эшитиб, лоҳ қолгандим. Ўз Ватанига, ўз ватандошларига садоқат ҳам юксак маънавият эканлиги эмасми бу?

Бугунги синовали кунларда уйи “қуйиб кетган” замондошларимизга мадад бўлаётган саховатли одамларимизнинг жайрилишларидан миннатдор бўлган ҳолда, ижтимоий тармоқларда ўша хайрия нарсаларини ўз эгаларига етказиш борасида ҳам тўғри тажриба, тўғри тарбияга эга эмаслигимиздан хилолат бўлган жойларимиз ҳам йўқ эмас...

Ёки табиати асраш ўрнига, ҳатто “Қизил китоб”га киритилган ноёб ўсимликлару, жониворларга одамзод томонидан қилинаётган айрим таъвоулар ва ёвузликларни тасвирлашга тил охирик қилади. Қайтар дунё эса қайтанини мана ўз кўзларимиз билан кўрдик, тан олдик. Дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий этилганлиги, мораторийнинг 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача амал қилиши белгилаб қўйилган бўлса-да, “ҳазрати инсон” кўлларидан қанча-қанча дарахтлар “жон берди”. Бу ҳужжат ҳаёт билан мукамал боғланган ва барқарор хизмат қиладиган керакли ҳужжат эмасмиди?...

Инсон қўли гул деймиз, аммо гоҳида унинг қўлларидан охулар жон беради, ноёб жониворларни қовуриб ҳам қилаётган кимсалар эса табиатнинг унсиз фарёдини эшитмасликка олади. Бу эса кўҳна дунёни янгиламоқчи бўлган, адолат ўрнатмоқчи бўлган ҳақиқатларни чилпарчин қилиб юбормайди...ми?

ҚАДРИЯТЛАР ҲАМ — МАЪНАВИЯТ

Зиба ТУЛЕКОВА,
Томди туман маҳалла ва
оилани қўллаб-қувватлаш
бўлими бошлиғи ўринбосари,
сенатор:

— Томди тумани республикамизнинг энг олис ҳудуди ҳисобланади. Шундоқ Қозоғистоннинг эстагида ҳам овулларимиз бор. Асосан қозоқлар яшайдиган туманда ўн беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан етти мингдан ортиғи хотин-қизлар. Оилалар сони ҳам унча кўп эмас. 2389 та оила бор. Туманимизда нотинч оила ҳам, жиноятчи ҳам қайд этилмаган. Маънавиятга доғ туширадиган бирор ноқўя ҳолат йўқлиги бизнинг энг катта ютуғимиз.

Қадриятларимиз қадрланаётган бўлса, фарзандларимиз мактабларда ўз она тили — қозоқ тилида ўқиса, Ватаннинг энг юксак муқофоти — Ўзбекистон Қасрамони, деган унвон Томдидаги оддий чўпонга насиб этган бўлса, кейинги икки йилда юздан ортиқ йигит-қизларимиз имтиёзли баллар билан Ўзбекистондаги олий ўқув юртиларига кирган бўлса, Навоий давлат педагогика институтидан қозоқ тили ва

адабиёти факультети фаолият юритаётган бўлса, ёшлар қозоқ тилидаги адабиётлардан баҳраманд бўлаётган бўлса яна нима керак бизга?

Буларнинг барчаси маънавият ва маърифат бобида, қадриятларимизнинг авлоддан-авлодга ўтиши борасидаги эзгу амаллар сирасига, Ўзбекистонда ҳар бир миллат ва элзатга, тилига ҳурмат ва эътибор намунасига қиради.

Биз ҳам бунга жавобан Ўзбекистоннинг барча қонунларини ҳурмат қилган ва унга амал қилган ҳолда қозоқнинг айрим удумларидан воз кечишни лозим толанганди. Масалан, қизларни олиб қочиб, деган қозоқнинг қадимий удуми бор. Унда қизларни олиб қочиб, кейин тўй қилиш одатга айланган. Аммо бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эди. Бу одат жуда кўп ҳолларда салбий оқибатларга, ҳатто фожиаларга сабаб бўлганини ҳам биламиз.

Масалан, вояга етмаган қизни олиб қочгани учун суднинг қора қорисига ўтирган қувё бола ҳижосяси, олиб қочилган келинларнинг ногирон фарзандлар билан чеккан изтироблари, отда қиз олиб қочаётган кезде издан қувиллари оқибатида содир бўлган ҳалокатлар, фожиалар, бундай оилалар ўртасидаги ажримларнинг кўплиги, буларнинг барчаси кимнинг кимга озорлари, кимнинг кимга жазолари деган, саволлар жавобсиз эди.

Даврининг ўзи қисқа фурсатли бахтлар удумини чўзиш, муҳокама қилиш эмас, балки ундан воз кечиш кераклигини кўрсатди. Чунки ўғирланган келинлар бир болалик бўлгунча мажбуриядан яшаб, кейин ажралиб кетган ҳолатлари кўп эди...

Бугун оптимизга қараб жуда кўп нарсаларга иқдор бўлдик. Энди аввалгидек яшаб бўлмаслигини англаб етдик. Англаб туриб ҳам шу йўлдан кетишда давом этсак, онгимиз, тафаккуримизни ўзгартирмасак, демак эртага ҳеч нарсага эриша олмаимиз, янгича фикрлай олмаимиз.

Токи боласини сотаётган аёллар бор экан, уларни жазолаш ўрнига инсонийлик қилиб суд залидан озод қилишлар давом этар экан, она

муҳаббати — маънавият дея олмаимиз, она суги оғзидан кетмаган вояга етмаган қизлар ҳар хил нолок кўчаларга кириб, оилага, жамиятга иснод келтиришдан тал тортмас экан, маънавият ҳақидаги баланд минбарлардаги маърузаларимиз эртатанга айланиб қолавереди.

Токи муҳаббатнинг нархи арзон бўлар экан, токи муҳаббатнинг ниқоби тубанлик бўлар экан, демак биз маънавият йўқ жойлардаимиз,


маънавият яқсон бўлган, маънавият оёқсиз бўлган жойлардаимиз.

Тоҳир Малиқнинг “Одамийлик мулки” асаридан шундай ажойиб сатрлар бор: “Бутун дунёда гўзал ахлоққа эҳтиёж бор... Муҳаббатнинг эса буюк савоби бордир”, дейди улғу адибимиз. Бизнинг ҳам гўзал ахлоққа эҳтиёжимиз бор. Муҳаббатнинг буюк савобидан умидвормиз...

Маруся
ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

ЖАМИЯТ тараққиётига болта урувчи, энг ачинарлиси уни содир этилишига йўл қўйиб берган инсоннинг ҳаётиши ҳам кун келиб барбод қилувчи коррупциянинг салбий оқибатлари барчага маълум бўлса-да, унинг туб илдизини олиб ташлаш жуда мушкул масалага айланиб улгурди. Чунки коррупция барча мамлакатларда мавжуд ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий феномендир. Бу феномен давлатдаги демократик институтларни емириб, иқтисодий тараққиётни секинлаштиради ва оқибатда ҳукуматнинг беқарорлашувига олиб келади.

Коррупцияга қарши курашишда Адлия ТАКТИКАСИ



“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида белгиланганидек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 февралдаги буйруғи билан Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашда барча соҳада ўзига хос коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар асосида турлича механизмлар ишлаб чиқиши лозим. Хўш, бугунги кунда адлия органлари тизимидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларга барҳам бериш учун қандай йўл тутмоқда?

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида белгиланганидек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 февралдаги буйруғи билан Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати тасдиқланди. Мазкур ҳужжат дунёдаги энг самарали, деб топилган коррупцияга қарши курашиш амалиётлари асосида ишлаб чиқилган ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари — фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

ISO 37001 — Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимларининг асл мазмуни

шундан иборатки, унга кўра коррупциянинг олдини олиш учун бир қатор чоралар белгилаш назарда тутилади:

- коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсул ходимларни танлаш ва ўқитиш;
- лойиҳалар ва ҳамкорларнинг коррупция хавфи даражасини баҳолаш;
- молиявий ва тижорат назоратини йўлга қўйиш;
- ҳисобдорлик ва қузатув жараёнларини тўғри ташкил қилиш.

Адлия вазирлиги танлаган сиёсатга кўра, ҳар бир адлия органи сиёсатни ўз фаолиятининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиши, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқиши ва амалга ошириши белгиланган бўлиб, бу Халқаро стандартлаштириш ташкилоти стандартлари талабларига мувофиқ ўрнатилган. Бунда коррупция хавфи мавжуд соҳаларни аниқлаш, улардаги коррупция хавфи даражасини баҳолаш ва шунга мос бар-тараф этиш чорасини кўриш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати адлия органлари ва муассасаларида коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Жамиятдаги коррупциявий омилларга қарши курашишни бошлашдан олдин, энг аввало, тизимдаги мазкур иллатга барҳам бериш долзарб масаладир. Шундай экан адлия тизимида кадрларни танлашдан тортиб, улар билан меҳнат шартномаси бекор қилингунга қадар бўлган жараёнлардаги қонунийлик, шафқофлик, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белги-ланган чораларни кўриш учун

тўққинликсиз идора раҳбари ва Адлия вазирига мурожаат қилиш имкониятининг яратилганлиги, ташкилот фаолиятига оид муҳим масалалар комиссия ва коллегиял тартибда кўрилиши ва жамоат назоратининг ўрнатилганлиги буларнинг яққол мисолидир.

Коррупцияга қарши кураш бўйича яна бир қадам бу адлия ходимининг давлат хизматчиси сифатида ўрни ва ўзини тутиш қоидаларини, шунингдек, ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича аниқ чоралар кўриш орқали тизимдаги интизом ва қадриятларни белгилаш бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари билан ўзаро муносабатларда ҳалол бўлиш, уларни камситишга оид сиёсатга йўл қўймаслик ва ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат бўйича кўтарилишида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга кафолат берилганлиги, ташаббускор ходимларни рағбатлантириш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш қабили шуллар жумласидандир.

Ҳар қандай тизимда коррупцияни юзага келтирувчи дастлабки омил — бу кадрлар танлашдаги, ноқонуний ёндашувлар, ходимларнинг етарли моддий таъминланмаганлиги, деё баҳоланганидан бўлса, айбан ушбу иллатларни адлия тизимдан тубдан олиб ташлаш бўйича аниқ чоралар кўриб келинмоқда. Жумладан, кадрларни танлашда танлов тизими ва юқори турувчи иш берувчи билан онлайн суҳбат ва комиссия томонидан овоз бериш воситасида ҳал этилиши орқали адлия органларини юқори белимли кадрлар билан тўлдириб боришга эришилмоқда.

Коррупцияга қарши курашда навбатдаги йўналиш — бу адлия органлари ходимлари томонидан аҳолига давлат ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиши, уларнинг турли мазмундаги мурожаатларини ҳал этишда коррупцион ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш тизимидаги энг долзарб вазифага айланиб улгурди.

Салоҳиддин САТТАРОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

БИРДАМЛИК, ҲАМДАРДЛИК ВА САХОВАТПЕШАЛИК ЎЗ ҚУДРАТИНИ КЎРСАТДИ

ПАНДЕМИЯ шароитида содир бўлган “табиий” офатлар халқимизни бир-бири билан бирлаштирди, жипслаштирди, матонатини, сабр-бардошини янада кучайтирди.

Ер юзида содир бўлаётган офатлар асосан икки хил бўлишини аллақачон фарқлаб олдик. Улардан бири, бу табиий офат, иккинчиси, инсоннинг ўзи томонидан яратилган офат. Масалан, ер қимирлаши, ер кўчиши, шиддатли шамол, дўл ва сел келиши табиий офат бўлиб, бундай офатларнинг олдини олишда инсоният доимо оқиб бўлган. Аммо одамлар унинг оқибатларини мардонвор енгиб, ҳаётини яна изига солиб юборган.

Офатларнинг энг даҳшатлиси, инсониятнинг ўз қўли ва онги билан ўзи томонидан йўл қўйилган хатолар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган офатлардир. Бунга Орол денгизининг қуриши, Чернобыль атом станциясининг портлаши, кечаги “Сардоба” сув омборининг бузилиши ва ҳоказолар мисол бўла олади. Бу муаммоларга давлатнинг ҳокимият тизимидаги махсус органлар, жумладан, адлия, прокуратура, суд ва қонунчилик органлари тизимида фаолият юритаётган зукко юристлар ўз вақтида эътибор қаратди. Халқ ва фуқаролар манфаати учун бу масала зудлик билан жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, оқибатларини бартараф этиш чоралари кўрилинмоқда.

Халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кўрсатган сиёсий фаоллиги ва ўз танловида зукко ақл-идоани панч бермади. Доно халқимиз ўз тарихий танловида адашмаганлигини бугунги кундаги вазият исботламоқда. Давлатимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори мамлакат ичкарасида ва ташқарисида, яъни халқаро майдонда юқори даражага чиқди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътибор билан тан олинганлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор уйғотди.

Айниқса, халқ шикоятлари ва аризаларини қисқа фурсатда ижобий ҳал қилиш бўйича Президенти

дент қабулхоналари, порталлари, беш ташаббус, бир дарча, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва солиқ юқини жиддий камайитириш фуқароларимизнинг кўнгиллигидаги айни мудоао бўлди. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш, ўрта ва олий таълим, суд-ҳуқуқ, прокуратура, назорат органлари тизимидаги туб ислохотларнинг жадал олиб борилиши натижасида катта ижобий ўзгариш ва юксак тараққиётга бирданга ёриб чиқиш эффекти билан эришилди. Мамлакатдаги барқарор тараққиёт ва соғлом рақобат ўз жозибадорлиги билан кенг миқёсда хорижий инвесторларни ўзига жалб қилди. Мамлакатимизнинг ички ва ташқи имкониятларидан самарали фойдаланиб кўрилган ўта тезкор чора-тадбирлар натижасида коронавирус бўйича рўйхатга олинган гунодор шахслар оммавий равишда текширувдан ўтаказилди, касаллик аниқланган шахслар эса махсус клиникаларда белул соғломлаштирилиб, ўз уйлариغا қайтарилмоқда. Карантин ҳолатидан босқичма-босқич яхши кўрсаткичлар билан муваффақиятли қимқоқдамиз. Бунда шифокорларимиз, ҳамшираларимиз чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб келимоқдалар.

Шамол ва сув тошқини сабабли оғир шароитда қолган ҳамюртларимизга тезлик билан ёрдам кўрсатишда, халқ хавфсиз ҳудудга ўз вақтида қўчирилди ва халқимизнинг бирдамлик, ҳамдардлик туйғу-сининг ўта баландлиги, жипслиги, меҳр-шўҳаббати, саховатпешалиги яна бир бор намоён бўлди. Бу жараёнда иштирок этиш учун фуқароларимиз мисли кўрилмаган даражада фаоллик кўрсатмоқдалар.

Қосимбой МАЪМУРОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори в.б., ф.ф.н.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ Х.СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш курсларига ўқишга ҳужжатларини қабул қилиш бўйича ЭЪЛОН!

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари (кейинги ўринларда Суд экспертлари деб юритилади)ни қайта тайёрлаш курсига 2020/2021 ўқув йили учун қабул эълон қилинади.

Қайта тайёрлаш ўқув курсларига 2020/2021 ўқув йили учун талабгорлардан ҳужжатлар 2020 йил 1 июлдан 31 июлгача бевосита Марказга келиб ёки почта ёхуд info@sudex.uz электрон почта орқали сифатли (куринарли, яхши ўқилган) даражада тақдим қилиниши (сўхбат жараёнида ҳужжатларнинг асли кўрсатилган) лозим.

Талабор Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади)да ташкил этилган Кабул комиссиясида қуйидаги ҳужжатларни топширади:

Марказ директори — комиссия раиси номига ариза (аризада талаборнинг қайси тилда таълим олиш истаги кўрсатилган), паспорт нусхаси (паспортнинг асл нусхаси ҳужжат топшириш ёки сўхбат жараёнида кўрсатилган) тўғрисидаги диплом нусхаси (диплом асл нусхаси ҳужжат топшириш ёки сўхбат жараёнида кўрсатилган);

3.5x4.5 ҳаҷмдаги икки донга фотосурат; нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома (агар талабор юридик шахс ҳодими бўлса);

қабул комиссияси томонидан (ўзбек ёки рус тилида) сўхбат 2020 йил 5, 6 ва 7 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази биноси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси)да ўтказилади.

Ўқиш шартли опти ой (24 ҳафта), ўқиш учун тўлов миқдори амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 баравари миқдорини ташкил этади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (71) 209-11-55 (190).

Қабул комиссияси

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ISSN 2020-7877

9 772020 787808

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадҳия Авазова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳаҷмда, офсет усулида “Ўзбекистон” наشريёт матбаа ижодий уйида chop этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5980
Буюртма — V-4171

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

АСЛИДА, одамийлик фазилатларини намоён этиш учун инсонлардан кўп нарса талаб қилинмайди. Инсонларнинг чин фазилати бир-бирига бўлган меҳрида, оқибатида кўринади. Очiq чехра билан билдирилган бир оғиз ширин сўз кўнгиллarga олам-олам қувонч улашади. Айниқса, кексалик бекатида, соғлиқни йўқотиб, ҳолдан тойиб қолганда дарвоза очилиб, умрининг энг шиддатли, тетик даврларини бағишлаган иш жойингдан меҳрли нигоҳлар билан ошқиб ҳамкасбларингизни йўқлаб кириб келишини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Яна бу вазирнинг ўзи бўлса-я?

ВАЗИР ЭЪТИБОРХОН АЯНИ ИЗЛАБ БОРДИ

Эътиборхон ая Мўминова 32 йилдан ортиқ адлия органлари тизимида ҳалол меҳнат қилди. 1980-2012 йилларда Жалақудук туман ФХДБ бўлимида турли лавозимларда ишлади. Аммо тақдир тақозоси билан, Эътиборхон ая мана 8 йилдирки дардга чалиниб, I-гурух ногирони бўлиб қолди.

Аянинг биз адлия органлари ходимлари билан кечган умри мазмунли ўтди. Шогирдлар у кишининг масъулиятли, қатъиятли ва бир сўзга эканлигига ҳавас билан қарашган. Ишхонага Эътибор Мўминова кириб келганида самимият балқан юзидан нур ёғилиб турарди. Балки бу ҳаммаша ҳалолу пок ишлаб, инсонларга яхшилик улашиб яшаганидандир. Кунни кеча Адлия вазири Русланбек Давлетов хизмат сафари билан Андижон вилоятида бўлди. Расмий учрашувлардан ортиб, вазир ўзининг тизимида узоқ йиллар меҳнат қилган Эътиборхон аядан ҳол-аҳвол сўраш учун унинг уйига борди.



хурфасида бўлади”, дейдилар. “Эй, Аллоҳнинг расули, жаннатнинг хурфаси нима?”, дейилди. “Мевасидир”, дея жавоб бердилар.

Шу биргина Ҳадиси шариф бизга беморларни зиёрат қилиш нақадар улуғ иш эканини англатади.

Ҳадисларда кексалар ҳолидан хабар олиш ҳақида шундай дейилади: Анас (розияллоху анҳу)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (солаллоху алайҳи ва саллам): “Қайси бир йигит кекса одамни кексалиги учун эҳтиром қилса, Аллоҳ таоло кекса бўлганида уни ҳурмат қиладиган одамни пешонасига (тақдиротида) ёзади”, дейдилар.

Масаланинг яна бир томони ҳам бор. Ҳамкасблар томонидан эслашга, эътиборга ва эъзозга лойиқ бўлиш ҳам фазилат, аслида. Бундай фазилатли инсонлар бугун адлия органлари ходимлари ичида кўплаб топилади. Ва улар ҳаммаша эътиборимизда. Қувончли кунларда, байрам тантаналарда улар ҳолидан хабар олиш аънамага айланган.

Дарҳақиқат, ҳурмат қилган ҳурмат кўради. Эътиборхон ая қўлини дуога очар экан: “Биз фахрийларни улуғлаб, остонамизни хатлаб келиб, кичик меҳнатимизни қадрлаб, унутмаганлиги учун азиз ҳамкасбларимнинг мартабаси улуғ бўлсин. Илоҳим кексайганларидан уларнинг ҳам дарвозасидан ёқимли чехралар — ҳамкасбларни йўқлаб келиб, ҳурмат-эътиборда юришсин!”.

Адинахон ҲАЙДАРОВА,
Андижон вилоят адлия
бошқармаси фахрийлар
кенгаши раиси



Р.Давлетов тизимда узоқ йиллар фидойилик билан меҳнат қилган учун шогирдлар ва ҳамкасблар номидан Эътиборхон аяга миннатдорлик билдирди. Аяга шу кунларда зарур бўлган махсус ўрин тўшак берилди.

Тўшакка миҳланган одам, энг аввало, яқинларини, яхши кўрган инсонларини кўришни истайди, уларни кутади. Чунки хасталик одамни бир оғиз таскин-тасалли, умидбахш сўзга муҳтож қилиб қўяди.

Ҳадисларда келтирилишича, Набий с.а.в: “Ким бир беморни кўргани борса, то қайтгунича у жаннатнинг

КЕКСАЛИК нима? Кексалик — кўзгу. Ойна. Ибрат ойнаси! Нега дейсизми? Сиз унга боқиб ўзингизнинг эртанги кунингизни кўрасиз. Э-э-ей, мен ҳам Худо берган умр давомида пешонамга ёзилган бўлса, бир кун шундай бўламан, кексаяман, деб уйлайсиз. Умр эса ўтади-кетди. Вақт, эҳтимол, жойида турар, лекин одамнинг вақти ўтаверади.

Йигитлик ҳам, ёшлик ҳам худди шундай — кўзгу. Бу кўзгуда кексаларимиз ўз навқиронлиги, бўз йигитлигини кўришади. Кечагина мен ҳам шундай эдим, дейди нурунийлар. Эртага мен ҳам шундай бўламан, дейди навқиронлар.

Қаранг, қандай боғлиқлик бор, худди ернинг айланиши каби бу боғлиқлик чархпалаги ҳам айланиб тураркан. Энг муҳими, ўзингдан яхши из қолдир, яхши от қолдир. Қолгани ўтади, ўтади, ўтади! Ҳамма нарса ўтади, давру давронни ҳеч ким тўхтата олмаган, тўхтамайди ҳам, фақат изингда қолган ёруғлик мангудир. Мансабинг ҳам ўткинчи, насабинг ҳам ўткинчи, тожу тахтинг ҳам, бахту нақдинг ҳам бари ўтади-кетди, қоладигани одамларга қилган яхшиларингидир! Бу ақида буюк шарқнинг энг юксак фалсафий китобларига қанот бўлган тушунча.

Мен Эрмуҳаммад аканинг чехрасига боқиб: “Эй, Худойим, ҳар банданга шундай нурунийлик ато қил, ҳар банданга шундай иштиёқ ва гашт ато қилгилки, кексаликни улуғлаб куч-қувватга тўлиб юрсин”, деб ният қиламан... Ҳатто, ўзим ҳам: “Аканинг ёшига кирганимда шундай ёшариб юрайин...”, деб ҳавас қиламан.

Эрмуҳаммад аканинг умр дарахти илдиэлари хуқуқ олами, қонун дунёси булоқларидан сув ичади. Ака — юрист. Ризқу аъмолига шу йўлдан туз-насиба топиш битилган экан. 40 йилдан бери ака қонун ахли орасида. Кўз тегмасин, ҳамон сўзини ҳам, ўзини ҳам, ҳатто юзини ҳам олдирмаган одам. Доимо костюм-шим, оҳори тўкилмаган қўйлак, ёқасида бўйинбоғ, қадди-қомат расо, (Худойим буй-бастидан ҳам қисмаган) соч-соқол тузалган, чин маънодаги келишган зиёли тимсолида кўзга ташланади. Шу савлату сиҳатга яраша Оллоҳим муомаласини ҳам жойига қўйган. Ким билан сўхбатлашмасин, иззат-ҳурматини жойига қўйиб гаплашади, ҳатто ўғли тенги биз каби “ака”ларига ҳам “ака” деб гапирди. Чин, сидқидилдан гапирди, қўли кўксидан. Агар бирор юмушингиз

Эрмуҳаммад устоз! Ёхуд одамийлик чўққиси



бўлса, албатта, олдингизга тушиб, қўлидан келганича ёрдам беришга интилади. Ҳаётда не-не юмушларда ишламаган дейсиз, узоқ йиллар прокурор ҳам бўлган, судья, адлиячи... бу йўлларни ёруғ юз билан ҳеч кимдан тили қисқиб бўлмаб босиб ўтган, лекин одамгарчиликни йўқотмаган, одамийликни ҳам сақлаб қолган. Билган, ҳис қилган, бу ўткинчи дунёда икки нарсанинг эгаси йўқлигини билган: бири курсининг бири эса... Э-эй, шу нарсани тушунмай ўтиб кетаётганлар, охири элнинг юзига қарай олмай, қариганда бошини қаерга қўйишини билмай қоладиганлар йўқми? Бор. Эл-эломоннинг тўйига қўшилмай юрганлар қанча, сабаби, кимларнинг дилини оғритган, кимларгадир хиёнат қилган, кимларнидир алдаган, чув туширган, порасини олган... ва ҳоказо...

Худого шукр, Эрмуҳаммад Шерматов элнинг тўй-томошасида доимо ҳозир нозир. Бош-қош. Адлия вазирлиги жамоаси ҳам катта бир элда! Мана шу жамоа аҳлининг каттасидан кичигигача бирор мавлуд қилса акаимиз боради, четда турмайди, яхши-ёмон кунимизда ҳаммаша ёнимизда, умрлари узоқ бўлсин, Илоҳим.

Эрмуҳаммад аканинг яна бир одати бор, агар вазирлик раҳбарияти, дейлик, вазирми ёки вазир ўринбосарларими тизимдаги фахрийлар ҳақида бирор илиқ гап айтсалар, ўша ёши улуғ инсонлар ҳолидан хабар олиб қўйсалар (Адлия вазирлигида кексаларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилиши ҳаётини аънамага айланган) ўша кун акаимиз вужуд-вужудларига сигмай таҳририятга кириб келади: “Кеча фалон вилоятдаги фалон кексамизни вазиримиз бориб кўрибдилар, вазир ўринбосарлари хабарлашибдилар ёки вилоят адлиядаги раҳбарлар йўқлаб қўйишибди, барака топишсин! Энди Сизлар ҳам шу ишларни қўллаб-қувватлаб, бирор ха-

бар ёки мақола чоп этсангиз яхши бўларди...” дейди. Худди, ўзининг уйида шодиёна бўлгандай, вазир ёки раҳбарият худди ўзининг уйига йўқлаб боргандай қувонади. Бундай фазилат ҳаммада ҳам бўлавермайди. Юраги кенг одамларда шундай хислат илдиэ отади.

Яна бир гап, вазирликда музей барпо этилганда Эрмуҳаммад ака Шерматовнинг Фахрийлар Кенгаши раиси, умуман, шу жамоа ходими сифатида хурсанд бўлганини айтиш. Шу соҳада муносиб ишлаган турли миллат вакиллари ҳақида маълумотлар йиғилиб, уларнинг расмлари осилганда, адлия тизими бўйича архив ҳужжатлари, тарихий экспонатлар тикланганда вазирлигимизда яна бир муқаддас жой пайдо бўлганидан Эрмуҳаммад аканинг боши осмонга етган. “Гап ёшда эмас, бошда экан. Раҳбаримиз ёш бўлгани билан одамгарчиликнинг олий нуқтасини кўра биладиган йигит экан. Умридан барака топсин! Эъзозга яраша эъзоз топсин!”, деб дуо қилган эди.

Ҳа, инсон ҳақида ўзгаларга кўзгу бўлади. Худди Эрмуҳаммад ака каби. Эрмуҳаммад ака сиймосига боқиб, бугунги ёшларимиз, укаларимиз, одамгарчиликнинг олий нуқтаси нимада эканлигини ангаласалар бўлди, қолган ишлар ўз маромида кетаверади, деган ўйга бораман. Ҳа деб мансабу шону шуҳрат, бойликка ёпишиб ётиш эса одамни одамийлик чўққисидан чалғитади. Эртага ҳам кун бор! Эртага юзимиз ёруғ бўлишини истасак, бугун одам бўлишга уринайлик, бу қийин эмас-ку, шундайми?

Хуллас, бугун Эрмуҳаммад ака ва у кишига ўхшаш устозларимиз қошида эртанги кунимиз учун ҳам ҳозирлик қўриб бораверишимизни ҳис қилсак... муҳими шу!

Бунинг учун эса ҳамма нарсанинг ўткинчилигини... ҳа, ҳамма нарса ўтишини тушуниб етсак кифоя! Омон бўлинг, устоз!

Кўчқор НОРҚОБИЛ